

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1173-ҳадис**

1173- وَعَنْ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ تَوَضَّأَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَبِهَا وَنِعْمَتْ، وَمَنْ اغْتَسَلَ فَاغْتَسَلَ أَفْضَلَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ، وَالتِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [د 354، ت 497].

1173. Самура розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким жума куни таҳорат қилиб, (жума намозига келса), яхши. Агар ғул қилса афзалдир», дедилар.

Абу Довуд ва Термизий ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Жумҳур уламолар бу ривоятга алоҳида эътибор бериб, жума куни ғул қилиш мандубдир, чунки бу ривоят ғул вожиб экани ҳақидаги олдинги ривоятларнинг кучини бироз кесади, дейдилар. Юқоридаги ҳадисда ҳам бу ҳақда тўхталиб ўтилди.

Нима бўлганида ҳам жума намози учун ғул қилмоқ яхшидир.

Манба: hadis.islom.uz



